



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 28 » ноябрь

№ ПК–360

Ички ишлар органларининг қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–42-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) давлат, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, таълим муассасаларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани замонавий усуллар ҳамда рақамли технологиялар имкониятлари орқали қўриқлаш тизимини йўлга қўйиш;
- (б) ички ишлар органларининг қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллалардаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш йўналишларидаги вазифалари билан ўзвий равишда ягона ёндашувда амалга ошириш учун самарали механизмларни жорий этиш.

II. Устувор вазифалар

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) этиб қайта ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, Департамент ва унинг бўлинмалар зиммасига “Сифат, ишонч, хавфсизлик” тамойилига мувофиқ қўйидаги асосий вазифалар юклатилади:

- (а) шартнома асосида давлат, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, таълим муассасаларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, савдо, хизмат кўрсатиш, кўнгилочар ва қурилиш объектларини замонавий усуллар орқали қўриқлаш;**
- (б) жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш, юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида жамоат тартибини сақлаш бўйича қўриқлаш-патруллик хизматларини кўрсатиш;**
- (в) қўриқланаётган объектларда ички тартиб ва назорат-ўтказиш режимларини таъминлаш, шунингдек, уларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятлар содир этилишига чек қўйиш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш;**
- (г) жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органлари соҳавий хизматларига ҳар томонлама кўмаклашиш;**
- (д) қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни юритиш, қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш.**

III. Ташкилий-ҳуқуқий масалалар

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

- (а) Департамент Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси, унинг ҳудудий ва тармоқ бўлинмаларининг, Ички ишлар вазирлиги эса Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Фарғона вилоятлари минтақавий ўқув марказларининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;**

(б) Департаментга қўшимча штат бирликларини киритмасдан шартнома асосида объектларни мавсумий жисмоний қўриқлаш, хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш жараёнида қўриқлаш-кузатиш хизматини кўрсатишга рухсат берилади.

IV. Хизмат фаолиятини ташкил этиш

6. Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

- (а) Департаментга қўриқланадиган объектларга ўрнатилган қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқини бериш;**
- (б) Департаментга қўриқлаш хизматини ташкил этишда қўриқловдаги объектларнинг маъмурияти билан келишилган ҳолда уларнинг видеокузатув камераларини Департаментнинг ахборот тизимларига интеграция қилиш;**
- (в) маҳаллаларда қўриқлаш бўлинмаларига юклатилган вазифаларни самарали ташкил этиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига манзилли кўмаклашиш мақсадида криминоген вазият оғир ҳудудлардаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари тузилмасига қўриқлаш хизмати инспектори лавозимини киритиш;**
- (г) криминоген вазияти оғир ҳудудларда, туристик инфратузилма объектларида ҳамда оммавий дам олиш жойларида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Департаментнинг қўриқлаш-патруль хизмати нарядларини ташкил этиш.**

7. Белгилаб қўйилсинки:

- (а) 2026 йил 1 январдан бошлаб қўриқловга олинган банклар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа объектларнинг фуқаролар кириш ва чиқиш жойларига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан Ички ишлар вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси томонидан босқичма-босқич шахснинг юзини таниб олиш имкониятига эга техник воситалар ўрнатилиб, тегишли ахборот базалари билан интеграция қилинади;**

(б) қўриқланаётган объект ва хонадонлардан тушаётган ташвиш хабарлари бир вақтнинг ўзида ички ишлар органларининг ягона тезкор бошқарув марказларига, тегишли ҳудуд профилактика инспекторлари ва патруль-пост хизмати нарядларининг планшетларига юборилади;

(в) Миллий гвардия таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Фарғона вилоятлари минтақавий ўқув марказлари мавжуд штат бирликлари, асосий воситалари, жиҳозлари ҳамда улар фаолиятини молиялаштиришнинг **амалдаги тартибини сақлаб** қолган ҳолда Ички ишлар вазирлигига, Миллий гвардия балансида бўлган **Хоразм вилояти қўриқлаш бошқармасининг** биноси Департаментга ўтказилади.

8. Ички ишлар вазирига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(а) жисмоний ва юридик шахслар билан қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар асосида Департаментнинг ташкилий-штат тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

(б) Департамент ва унинг бўлинмаларига хизматга (ишга) номзодларни танлов асосида саралаб олиш бўйича алоҳида тартибни белгилаш;

(в) қўриқлаш хизматларининг тарифларини (нархларини) Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда, бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун эса мустақил белгилаш.

9. Тасарруфида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар:

(а) уч ой муддатда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари нарядларининг хизмат ўташ қоидалари, уларнинг ишчи ва хизматчилари кийим-бошлари ва фарқловчи белгиларининг намуналарини ишлаб чиқиб, келишиш учун Ички ишлар вазирлигига киритсин;

(б) икки томонлама тузилган режаларга мувофиқ, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ходимларини Ички ишлар вазирлигининг минтақавий ўқув марказларида ва Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида **шартнома асосида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни** ташкил этсин.

10. Тизимида ўта муҳим ва тоифаланган объектлар бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар қўриқланадиган объектларини босқичма-босқич 2026 йил якунига қадар **учувчисиз учадиган аппаратларга қарши қурилмалар ҳамда учувчисиз учадиган аппаратлар** билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

11. Қўйидагиларни назарда тутувчи “Хавфсиз таълим” концепцияси жорий этилсин:

(а) давлат таълим муассасалари, нодавлат таълим ташкилотлари (мактабгача таълим ташкилотлари бундан мустасно) ва хорижий давлатлар таълим ташкилотлари филиалларининг (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) хавфсизлигини шартнома асосида жисмоний ва техник қўриқлаш тизимлари орқали таъминлаш;

(б) Департамент томонидан шартнома асосида таълим муассасаларига қўриқлаш сигнализациялари, ташвиш тугмалари, видеокузатув мосламаларини ўрнатиш ва уларга техник хизматлар кўрсатиш.

12. Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Э.Каримова), таркибида таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

(а) бир ой муддатда “Хавфсиз таълим” концепциясини 2026–2027 йиллар мобайнида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ҳамда таълим муассасаларида қўриқлаш-қоровуллик фаолиятини тартибга солувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) 2026 йил 1 январдан бошлаб таълим муассасаларининг идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларини минтақавий ўқув марказларида шартнома асосида Давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш тизимини йўлга қўйсин.

V. Моддий-техник таъминот ва ижтимоий ҳимоя масалалари

13. Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов):

(а) 2026 йил 1 майга қадар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жалб қилган ҳолда республикада жорий қилинган техник қўриқлаш тизимларига қўриқлашнинг муқобил замонавий аппарат-дастурий комплексларини **жорий этиш чораларини кўрсин;**

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда 2026 йил 1 мартга қадар Департамент маблағлари ҳисобидан **“E-QO‘RIQLASH”** электрон платформасини ишга туширсин, шунингдек, **“Хавфсиз таълим”** концепцияси доирасида ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиб, давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминласин;

(в) уч ой муддатда ички ишлар органлари **қўриқлаш хизмати инспекторларига** айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бу борада ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича тегишли **ваколат беришни** назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(г) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **мавсумий қўриқлаш, хавфли юкларни** автомобиль транспортида ташиш жараёнида **қўриқлаш-кузатиш хизматларини** ташкил этиш, шунингдек, **қўшимча хизматга** жалб этилган **қўриқлаш ходимларига иш ҳақи** тўлаш тартибларини белгилловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(д) 2026 йил 1 мартга қадар қўриқлаш бўлинмалари тезкор ҳаракатланувчи гуруҳларининг хизмат фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш **тизимларини рақамлаштириш** чораларини кўрсин;

(ж) Транспорт вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда йўналишли автобуслар ва тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига босқичма-босқич ташвиш тўғрисида қўриқлаш хизматлари кўрсатишни йўлга қўйсин;

(з) 2026 йил 1 январдан бошлаб техник қўриқловга олинган объектларни алоҳида гуруҳларга ажратган ҳолда кўрсатилган қўриқлаш хизматлари учун дифференциал тўлов тизимини жорий этсин.

14. Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов), Миллий гвардия (Р.Джураев) уч ой муддатда ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига олий таълим муассасаларига кириш учун ажратилган қабул квоталарини кўриб чиқиб, уларни шахсий таркиб сонидан келиб чиққан ҳолда қайта тақсимлаш юзасидан таклифлар киритсин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматининг афзалликлари ҳақида маълумот бериш мақсадида Департамент маблағлари ҳисобидан интернет ва ижтимоий тармоқларда таргет рекламасидан фойдаланишга рухсат берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи Д.Б.Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3216-сон қарорининг 6-банди ўн иккинчи хатбошисидаги “, Миллий гвардиянинг қўриқлаш хизматига” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 3-банднинг ўн иккинчи хатбошисидан “халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

(б) 19-банднинг тўртинчи хатбошиси “ҳарбий-академик лицейлар битирувчилари,” сўзларидан кейин “ички ишлар органларининг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг камида бир йил амалий иш стажига эга ишчилари,” сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4060-сон қарорида:

(а) муқаддиманинг учинчи хатбошисидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти ҳудудий бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги “Миллий гвардиянинг Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда – Қўриқлаш бош бошқармаси)” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти (кейинги ўринларда – Қўриқлаш департаменти)” сўзлари билан алмаштирилсин;

“а” кичик банддаги “Qo‘riqlash Servis” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — “Qo‘riqlash Servis” ДУК)” сўзлари “Қўриқлашнинг техник воситаларини жорий қилиш илмий-тадқиқот маркази” давлат муассасасини (кейинги ўринларда – Илмий-тадқиқот маркази)” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “бош бошқармасининг” сўзлари “департаментининг” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Илмий-тадқиқот маркази ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти бўлинмалари билан қўриқладиган объектларда ўрнатилган қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларига хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар асосида амалга оширади;

қўриқладиган объектларда ўрнатилган қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларига, шу жумладан автоматлаштирилган тизимнинг техник инфратузилма объектларига хизмат кўрсатиш фақат Илмий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилади”;

(д) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Қўриқлаш бош бошқармасига” сўзлари “Қўриқлаш департаментига” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ж) 8-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4075-сон қарори 6-бандининг “в” кичик банди қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“профилактика инспекторларига ажратилган хизмат уй-жойларини капитал таъмирлаш”;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ўқув марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5016-сон қарорида:

(а) номидаги “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги А.Қодирий кўчаси 43-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси балансидаги Автохўжалик ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент минтақавий ўқув марказини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Фарғона ўқув марказини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Фарғона минтақавий ўқув марказига айлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жиззах ўқув марказини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах минтақавий ўқув марказига айлантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин”;

(в) 2-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 4-банднинг “а”, “б” ва “в” кичик бандларидаги тегишли келишиқдаги “Миллий гвардия” сўзлари тегишли келишиқдаги “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(д) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги “Миллий гвардияси қўмондонига” сўзлари “ички ишлар вазирига” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ж) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

минтақавий ўқув марказларининг раҳбар ва педагоглар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида ҳамда вазирлик ва идораларнинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти минтақавий ўқув марказларининг раҳбарлари ва педагогларининг илмий-педагогик фаолиятини умумий мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослашган ўқув маркази Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси оддий аскар ва сержантлар таркибига мансуб ҳарбий хизматчилар ва ходимларни тайёрлаш бўйича таянч бўлинма ҳисобланади”;

(з) 7-банднинг учинчи хатбошидаги “Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

(и) 8-бандда:

учинчи хатбошидаги “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасига” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(к) 8¹-банддаги “Миллий гвардиясига” сўзлари “Ички ишлар вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4997-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5076-сон қарорида:

(а) 4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “300” рақами “400” рақами билан алмаштирилсин;

(б) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг
касбий тайёргарлик факультетидаги таълим мутахассисликлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Мутахассислик номи	Бериладиган малака	Таълим шакли	Таълим муддати
1.	Йўл-патруль фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
2.	Паспорт тизимини таъминлаш	мутахассис	кундузги	5 ой
3.	Жамоат тартибини сақлаш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
4.	Жазони ижро этиш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
5.	Тарбиявий фаолият	мутахассис	кундузги	5 ой
6.	Махсус операцияларни амалга ошириш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
7.	Маъмурий-хўжалик таъминоти	мутахассис	кундузги	5 ой
8.	Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти*	мутахассис	кундузги	3 ой
9.	Қўриқлаш фаолияти**	мутахассис	кундузги	3 ой

* камида 2 йил хизмат стажига эга ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари қабул қилинади;

** камида 2 йил хизмат стажига эга ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг амалдаги ходимлари қабул қилинади”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини

янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарорининг 6-банди “д” кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ташкилий-штат тузилмасига, қоида тариқасида, микроҳудудга хизмат кўрсатувчи профилактика (катта, кичик) инспекторлари, хотин-қизлар масалалари бўйича, пробацация, йўл ҳаракати хавфсизлиги, қўриқлаш ва патруль-пост хизматлари инспекторлари ҳамда тезкор-қидирув хизмати ходими киритилиб, туман (шаҳар) ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг нарядлари доимий равишда хизмат олиб бориши ташкил этилади”.

ЎЗБЕК

